

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«Ишлаб чиқаришда бошқарув» кафедраси

«Тармоқ иқтисоди»
фанидан

РЕФЕРАТ

Мавзу: САНОАТ - МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ

Бажарди: 211-08 КПТ(ИИС) гуруҳ
талабаси Нушарова Ш
Қабул қилди: к.ўқит. Ходиева З

Жиззах 2010

Мавзу: САНОАТ - МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ

Режа:

Кириш

- 1 Саноат ва унинг миллий иқтисодиёт ривожигадаги роли ва ўрни.**
- 2. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиши.**
- 3.Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси.**

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётининг реал сектори корхоналарининг қўллаб қувватлаш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланиш имконини беради.

Мамлакатимиз бўйича йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айти пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат балансига ўтказилди, 70 та иқтисодий ночор корхоналар ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга тортилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада кўрилган чора тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан холос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Кенг қўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийтириш дастури доираси ўтган йили 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади.

Саноат ва унинг миллий иқтисодиёт ривожигаги роли ва ўрни

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат куроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилиги қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожига туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан куролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш куролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгрок ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб

чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва

ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Қурилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7

Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва газ, самолёт ва

автомобиллари, пахта териш машинаси ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан,

эксковатор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат

маҳсулотлари билан дунёга машҳурдир.

Ўзбекистон республикасининг индустриал қиёфасини энергетика, кон-руда, олтин казиб олувчи, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиши

Саноат ишлаб чиқаришининг тарихий ривожланиши ва унинг асосий якунлари тўғрисида сўз юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида «Уй саноати»нинг ривож бундан 12-15 минг йил муқаддам мезолит даврида бошланган. Бу даврда жуда оддий меҳнат қуроллари ва буюмлари тайёрланган.

IX асрда Самарқанд ўзининг сифатли қоғози ва лампа шишаси билан машҳур бўлган. Шош вилояти кўнчилик маҳсулотлари билан донг таратган. Ўша даврда Ўрта Осиёдан Шарқий Европа, Хитой ва бошқа юртларга Буюк Ипак йўли орқали чарм, мато, ипак, жун, кийим-кечак чиқарилган.

XIV асрнинг 2-ярмида Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, марказлашган давлатга асос солди. Натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий равишига катта йўл очилган.

XVI-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг вужудга келиши иқтисодийнинг, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва XIX асрга келиб Туркистонда ҳунармандчиликда ёғоч ва металл ўймакорлиги, идишларга нақш солиш, матоларга гул босиш, қуролларни бадий безаш ривожланади. Бу асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида тараққиёт тезлашиб саноат, айниқса ип-газлама саноати ривож топди.

XX аср бошларида бир қанча пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари қурилиб ишга туширилди. 1925-1926 йилларда электростанциялар қурила бошланди ва биринчи бўлиб Тошкент яқинида қурилган Бўзсув гидроэлектростанцияси 1926 йил 1 майда ишга туширилди.

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз ва Асака шаҳарларида иссиқлик электростанциялари қурилиши бошланиб, 1930 йилда уларнинг сони 30 га етди. Ўсиб бораётган энергетика базаси бир қанча янги саноат корхоналари қуришга имконият яратди.

Иккинчи жаҳон урушигача бу ерда 500 дан ортиқ саноат корхоналари жумладан,

«Ташсельмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ-электрокимё комбинати, Каттакўрғон ёғ заводи, Бекобод ва Қувасой цемент корхоналари қурилди. Нефть ва рангли нодир металллар қазиб чиқариш, қурилиш саноати маҳсулотларини тайёрлаш ривож топди. Саноат тараққиётида ёқилғи – энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида эътиборга молик. Унинг таркибига энергетика, нефть ва нефтни қайта ишлаш, газ ва газ конденсати, кўмир қазиб олиш ва бошқа бир қатор кичик соҳалар қиради. Бу мажмуанинг ҳиссаси саноат комплексида 23,8%дан иборат.

Ўзбекистон республикаси жаҳондаги 10 та газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига қиради.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.



Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;


- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш

йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу улуш 24 фоизга етди



Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди



Таққослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми

олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

Кимё саноати. Ушбу саноатнинг шаклланиши 1932 йилда Шўрсув олтингугурт кони (Фарғона) ишга туширилиши билан бошланган. Бу корхона собиқ Иттифокда ишлаб чиқариладиган олтингугуртнинг 57 фоизини берган. Кимё саноатининг энг йирик корхоналарига Чирчиқ электр кимё комбинати, Навоий кимё бирлашмаси ва Қўқон суперфосфат заводи киради.

Кимё саноатининг асосий тармоқларидан бири – бу минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасидир. Унда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган аммафос, аммиак селитраси, аммоний сульфат, суперфосфат, карбонит, суюлтирилган аммиак, азотли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Чирчиқ кимё комбинати, Фарғона азотли ўғитлар, Навоий кимё бирлашмасида асосий турдаги азотли ўғитлар, Қўқон суперфосфат заводи, Самарқанд кимё заводи, Олмалиқ «Аммафос» бирлашмасида аммофос, оддий ва аммонийлашган суперфосфат, қумоқ аммоний каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Кимё саноатида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми республика қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини тўла таъминлайди, уларнинг бир қисми четга чиқарилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида калий ўғитларга бўлган йиллик эҳтиёж асосланган меъёрлар бўйича (100% озиқ модда ҳисобида) 800 минг тоннадан иборат. Қашқадарё вилоятидаги калий тузлари конларини ўрганиш ва унинг негизида калий ўғитлар ишлаб чиқарадиган Тубагатон калий заводи қурилиши режалаштирилган.

Сульфат кислотаси кимё саноати тармоқлари учун муҳим хомашёдир. Республикамізда сульфат кислота ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар Олмалиқ «Аммофос» бирлашмаси, Самарқанд кимё заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида барпо этилган.

Сода саноатининг Марказий Осиё мамлакатларида ягона бўлган корхонаси - Қўнғирот сода заводи қурилиши 1995 йилдан бошланди (йиллик лойиҳа қуввати 210 минг тонна сода).

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (дефолиант, десикат, гербиций, инсектицид, фунгицидлар) «Фарғонаазот» бирлашмасида (1965 йилдан; магний хлорот дефолианти), Навоий кимё заводида (1960 йилдан; гербицитлар, инсектицидлар) ишлаб чиқарилади. Бу корхоналарнинг йиллик қуввати магний хлорит дефолианти бўйича 60 минг тонна, гербицит ва инсектицитлар бўйича 5 минг тоннадан ортиқ.

Республика қишлоқ хўжалигида ўсимликларни касаллик ва зарарқундалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган олтингугурт қукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Муборак газ мажмуасида ишлаб чиқарилади. Маҳаллий ресурслардан олтингугурт ишлаб чиқаришни йилига 50 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Кимёвий толалар ва иплар хилма-хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактама (йиллик қуввати 80 минг тонна), Фарғона кимёвий толалар заводида ацетат иплар, «Навоийазот» бирлашмасида нитрон акрил толалари (йилига 40 минг тоннадан қўпроқ), «Фарғонаазот» бирлашмасида целлюлаза ацетати (йиллик қуввати 42 минг тонна) ишлаб чиқарилади. Фарғона фуран бирикмалари заводида целлюлаза мустақиллигини таъминлаш бўйича пахта линтидан йилига 30 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватлар барпо этилмоқда.

Кимё саноатида гидролиз корхоналари урушдан кейинги йиллардан қурила бошлади. Фарғона фуран бирикмалари, Янгийўл биокимё, Андижон гидролиз заводларида асосий хомашё – чигит шулҳаси, шоли қобиғидан техник этил спирти, фурфурол, озуқа ачитқилари (хамиртуришлар), фурил спирти, ксилит, лапрол, катализаторлар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилган. 90-йиллар бошида ушбу заводларда ғалладан озиқ-овқат

(этил) спирти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа ва бошқа саноат тармоқларини республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилган спирт билан таъминлаш имконияти яратилди. Бу корхоналарда йилига 4 минг тоннага яқин карбон кислоталари ҳам ишлаб чиқарилади. Андижон биокимё заводида куруқ хлорелла биомассасини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Резина маҳсулотлари Ангрен «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва Тошкент резинатехника маҳсулотлари заводида ишлаб чиқарилади. Илгари асосан махсус резина моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси 1987 йилдан бошлаб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ўтди. 1992 йилдан бирлашмада енгил автомобил шиналари тайёрлаш ўзлаштирилди. 1996 йилдан йилига енгил автомобиллар учун 1,5 млн. дона, юк автомобиллари учун 200 минг дона шина ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари, «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва кимё саноатининг бошқа корхоналарида (Самарқанд кимё) калишлар ишлаб чиқариш 10 млн. жуфтга етди. Шунингдек, бу тармоқ корхоналари республика автомобил саноати учун резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Республика пластмасса ва пропилен маҳсулотларини қайта ишловчи (Оҳангарон «Сантехлит», Жиззах пластмасса қувурлари заводи), турли маркадаги лак – бўёқ маҳсулотлари (Тошкент «Рангли лак» фирмаси-лак бўёқ заводи), мебел саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари заводи), рўзғор кимёси маҳсулотлари («Ўзрўзғоркимё» бирлашмаси, Олмалиқ рўзғор кимёси заводи, Наманган кимё заводи), Тошкент ёғ-мой комбинати таркибида синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ишлаб турибди.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик ва кальций содаси, калий ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар каби энг муҳим хомашё турлари бўйича республикамизнинг мустақилликка эришиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимё маҳсулотларининг кўп қисмини, яъни асосий турларини республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида иш олиб борилмоқда. Кимё саноати корхоналарида Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия корхоналари билан ўзаро фан-техника, савдо-сотик соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган, хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда 2009 йилда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш, фоизда)

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9
Савдо соҳаси	21,0	7,2	16,6
Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0	40,0
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қўшимча ўсиш суръати 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этган. Агар ўтган йили жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирида МДХ мамлакатлари

бўйича иқтисодий ўсиш эмас, балки аксинча, ўртача 6,7 фоиз ҳажмидаги иқтисодий пасайиш кузатилганини эътиборда тутилса, иқтисодиётимизнинг бундай шароитдаги ўсишининг нақадар аҳамиятли эканини тушуниш мумкин. Айни пайтда, кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг мутлақ қийматлардаги ўсиши барқарор равишда юксалиб келмоқда

Мустақиллик йилларида машинасозлик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари кескин ўзгарди. Уни қуйидаги жадвалда келтирилган рақамлардан кўриш мумкин

Республикамызда 2009 йил мобайнида қайд этиб ўтилган инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Бунинг натижасида 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди. Йил давомида ниҳоясига етказилган бир қатор стратегик лойиҳаларни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

2009 йил давомида ниҳоясига етказилган стратегик лойиҳалар

Лойиҳа объекти	Лойиҳанинг қисқача мазмуни
«Фарғонаазот» корхонаси	Аммиак агрегатларини реконструкция қилиш
«Максам-Чирчик» корхонаси	
Наманган шаҳридаги енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш заводи	Енгил автомобиллар учун фара ва чироклар ишлаб чиқариш
Бухоро шаҳридаги «ДЭУ текстил» тўқимачилик комплекси	Пахта толасини қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
«Газли» қўшимча компрессор станцияси	Газ маҳсулотларини истеъмолга тайёрлаш ва ишлов бериш жараёнларини таъминлаш
«Қўнғирот» компрессор станцияси	
Туркменистон-Ўзбекистон-Қозғоғистон-Хитой трансмиллий магистрал газ қувури	Туркменистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари
«Янги Ангрен-Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линияси	Мамлакат ҳудудларини электр энергияси билан таъминлаш
«Ўзор-Сурхон» юқори вольтли электр узатиш линияси	
«Оҳангарон-Пунгон» магистрал газ қувури	Мамлакат ҳудудларини табиий газ билан таъминлаш

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларида маҳсулотлар таннархини 20 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 18 фоизга, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси таркибига кирувчи корхоналарда 20-25 фоизга камайдигани ижобий ютуқларимиз сирасига киради.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойларнинг лойиҳа-смета қийматини камайитиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро уй-жой қийматининг арзонлашуви миллионлаб

ватандошларимизнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматида 23-25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари, эшик ва ромлар) каби қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Уй-жойларнинг нархларини оптималлаштирилиш мақсадида қурилаётган уй-жойларда ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари:

- цемент ва металл прокатлар тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан имтиёзли нархларда олинмоқда;

- пишган ғишт ва том ёпиш материаллари бозор нархларидан 25-30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда бевосита ишлаб чиқарувчилардан олинмоқда.

Қурилиш материаллари нархларини арзонлаштириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси томонидан йилига 300 млн. дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 млн. кв. метр том ёпиш материаллари ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда.

Ҳозирги даврда ушбу тармоқ корхоналарида 150 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади. Жумладан, 2003 йилда 4,1 млн. тонна цемент, 300 млн. шартли тахта асбест-цемент шиферлари, 3,4 млн. м² дераза ойналари ишлаб чиқарилди.

Енгил саноат. Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 150 та йирик ва ўрта корхоналар бор. Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида енгил саноат ҳиссаси 20% ни ташкил этади. Бу тармоқда 265 минг ходим иш билан банд. Енгил саноат тармоғининг энг муҳим соҳасидан бири бўлган пахта саноати корхоналарида ҳар йили 1,2 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси, 100 минг тоннадан ортиқ линт, 22,5 минг тонна чигит, 200 минг тонна уруғлик чигит тайёрланади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш мақсадида Россия, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея ва бошқа мамлакатлар фирмалари билан ип газламалар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Озиқ-овқат саноати. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида озиқ-овқат саноати энг муҳим мавқени эгаллайди. Саноатнинг бу тармоғида асосан хомашёни қайта ишлашга асосланган бўлиб, Озиқ-овқат саноати тармоғида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоклаш, узум ва шампан виноси, спирт, ароқ, тамаки, пиво, чанқоқбосар ичимликлар, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривож, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодийнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити 2010 йилда иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	Қўшимча ўсиш, олдинги
--------------	-----------------------

	йилга нисбатан, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	8,3
Саноат маҳсулоти	8,3
Қишлоқ хўжалиги	5,0
Асосий капиталга инвестициялар	22,1
Инвестиция киритиш ҳажмини ЯИМга нисбатан	30,0
Экспорт ҳажми	8,5
Инфляция даражаси	7-9
Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми	40,0
Иш ҳақи даражасининг ўсиши	30,0
Хизматларнинг ЯИМдаги улуши	49,0
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	52,5

Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

Республикада олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу улуш 24 фоизга етди.



Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди.



Такқослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металл қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

Маърузада 2010 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида урғу берилди:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат саноатида чуқур ташкилий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган вазирликлар тугатилиб, «Озиқовқатсаноат» давлат-акциядорлик концерни, «Ўзмевасабзавот-холдинг» компанияси, «Ўзгўштсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси, «Ўздонмахсулот», «Ўзбалиқ» давлат-акциядорлик корпорациялари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгуси 2010 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

Шу ўринда ички инвестициялардан фойдаланиш борасида ҳам мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўнимча чора-тадбирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди.

Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси

Ўзбекистон саноатининг ҳозирги тараққиёти катта динамиклик билан ажралиб туради, чунки у мустақиллик йилларида, айниқса XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида юқори суръатлар билан ривожлана борди. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ўсиш билан бир қаторда, унинг тузилмасида ҳам узлуксиз таркибий ўзгаришлар рўй берди. Саноатнинг узок истиқболга мўлжалланган ривожини аниқлаш, турли иқтисодий мутаносибликларни белгилаш ва уларга эътибор қилиш зарурлигини талаб қилади. Бундай мутаносибликлар тармоқ тузилмасини прогнозлашда инобатга олинади.

Саноат ишлаб чиқариш тузилмасини режалаштириш ва прогнозлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишга қаратилиши керак:

- бозор иқтисодиёти талаблари, халқ хўжалиги ва аҳолининг айрим маҳсулот турларига бўлган талабини кондиришни ҳисобга олган ҳолда умуман саноат ва унинг ҳар қайси тармоғининг ривожланиш суръатини белгилашни;
- илғор ишлаб чиқариш тармоқларини аниқлаш, улар тараққиётини тезлаштириш учун зарур бўлган капитал қўйилмалари ва материалларни биринчи навбатда ажратишни;
- саноат тузилмасида устувор ўзгаришларни кўзда тутиш лозимки, ҳар қайси бундай ўзгаришлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигини таъминласин;
- халқ хўжалигининг умумий мутаносиблиги ҳар қайси саноат тармоғи тараққиётининг тенглиги билан боғлашни талаб этади.

Тармоқ таркибининг мамлакат миқёсида қулайлашуви юқори суръатда иқтисодий ривожланишни, аҳолининг турмуш даражасини оширишни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни таъминлайди. Чунки бу ишлаб чиқаришнинг даражаси ва якуний, провард маҳсулотнинг купайишига, умуман ижобий структуравий силжимларга сабаб бўлади. Демак, таркибий ўзгаришнинг ўзи ишлаб чиқариш

самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг қўшимча омили сифатида майдонга чиқади.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривож, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити 2010 йилда иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қўшимча ўсиш, олдинги йилга нисбатан, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	8,3
Саноат маҳсулоти	8,3
Қишлоқ хўжалиги	5,0
Асосий капиталга инвестициялар	22,1
Инвестиция киритиш ҳажмини ЯИМга нисбатан	30,0
Экспорт ҳажми	8,5
Инфляция даражаси	7-9
Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми	40,0
Иш ҳақи даражасининг ўсиши	30,0
Хизматларнинг ЯИМдаги улуши	49,0
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	52,5

Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

Саноат тармоқлари тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар орасида мутаносибликни ўрнатиш;
- ишлаб чиқариш тузилмасининг прогноз ва тенденцияларини ишлаб чиқиш;
- тармоқларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини барқорорлаштириш;
- илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш;
- шахсий ва ижтимоий истеъмолни ўрганиш ҳамда аҳолини юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш;
- тармоқларда хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш.

Айни вақтда тармоқларнинг ички тузилмасини қайта қуриш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, чет эл корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, чет эл инвестициялари ҳамда илғор технологияларини сифатли саноат моллари тайёрлашга йўналтириш вазифаларини ҳал этиш керак бўлади.

Республика иқтисодиётида ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида амалга оширилаётган таркибий силжишлар яқин келажакда қуйидагиларни амалга ошириш учун имкониятлар яратади:

- мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, оммабоп талабга эга бўлган товарлар ва бошқа ҳаётий зарур воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

- фан-техника тараққиёти ва саноатнинг илгарилиб борадиган ривожини тежайдиган технологияларни, умуман илғор тармоқларни ривожлантириш;

- республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни кўпайтириш ва шу асосда товарлар импортини қисқартириш;

- агросаноат мажмуи самарадорлигини ошириш ва уни қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга ўтказиш ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифати ва товар кўринишини ошириш;

- кичик бизнес корхоналари (фирмалар ва тадбиркорлик, деҳқон, фермер хўжаликлари, «корхона-махалла» типдаги ишлаб чиқариш тузилмалари)ни ривожлантириш асосида янги ишчи ўринларини ҳамда янги соҳаларни яратиш;

- республикада у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тегишли шароит ва минерал-хомашё ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва экспорт устунлигига эришиш учун шароитлар яратади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон XX1 асрга интиломда”. –Т.: “Ўзбекистон”. 2000. 352 бет.
2. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – иқтисодий салоҳиятни юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2003. - 73 бет.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. 2005 йил 28 январь. «Халқ сўзи», 2005 йил, 31 январь.
4. Каримов И.А. “ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир”.Жиззах ҳақиқати газетаси. 2010й 30 январ.
5. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.” Жиззах ҳақиқати газетаси. 2010й 3 феврал.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги буйруғи, 2009 йил 30 сентябрь, 217-сон.
7. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
8. Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси. Халқ сўзи . 2009 йил 2 сентябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
10. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: «Шарк нашриети», 1997. – 64 бет.
11. М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев. Менежмент: 100 савол ва жавоб. Т.: “Меҳнат”. 2000. – 560 бет.
12. Ш. Шодмонов, Р. Алимов, Т. Жўраев. «Иқтисодиёт назарияси». Ўқув қўлланмаси. Тошкент, «Молия нашриёти», 2000 йил. – 416 бет.
13. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. - Т.: «Ўқитувчи» 2000. – 368 с.
14. А.Ортиқов. “Саноат иқтисодиёти“ (дарслик). –Т.: ТДИУ. 2004.
15. Маҳмудов Э.Х. «Корхона иқтисодиёти» - Т.: ТДИУ 2004. - 208 бет.
16. Маҳмудов Э.Х., Исоқов М.Ю. «Капитал қурилиш иқтисодиёти» (маърузалар матни) - Т.: ТДИУ 2005.
17. Юлдашева Ш.М. «Саоат тармоқлари технологияси» - (ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ 2004. - 304 бет.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида». ПФ – 3080-сонли Фармони. «Халқ сўзи». 2002, 31 май.
19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-9-жилдлар.- Т.: «Давлат илмий нашриёти». 2002-2005 йиллар.
20. А.Рўзиев. «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси». Термиз: «Сурхондарё», 2000. – 120 бет.
21. А.Рўзиев, Қ.Абирқулов. «Ўзбекистон иқтисодий географияси». – Т.: «Шарқ», 2001. – 144 бет.
22. А.Рўзиев, О.Рўзиев. «Иқтисодий интеграциянинг ҳудудий-географик жиҳатлари». Термиз: «Сурхондарё», 2001. – 20 бет.
23. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. К. Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида; - Т.: «Ўқитувчи», 2001. –480 бет.
24. Маҳаллийлаштириш дастури амалда. «Халқ сўзи» 2004.11 январь.
25. «Экономическое обозрение», март, 2002, 14 с.,№11(62) 2004. www.reviev.uz
www.cer.uz.
26. Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003-2004 гг. (Интернет сайт – www.ceer.uz , www.bearingpoint.uz , www.pea.uz.)

27. Промышленность Республики Узбекистан 2000, 2001, 2002, 2003, 2004.
Статистические сборники.
- 28. www.press-service.uz. - Президент сайты.
 - 29. www.gov.uz. - Ҳукумат сайты.
 - 30. www.tsue.uz - Университет сайты
 - 31. www.hamkor.uz.
 - 32. www.stat.uz.
 - 33. E-mail.GKS@stat.uz.